

Б.Р.Парпиевни Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг раиси этиб тайинлаш тўғрисида Ботир Рахматович Парпиев Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг раиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ Тошкент шаҳри, 2002 йил 2 декабр



ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 3 декабр, сешанба №190 (1407)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ОЛИЙ МАЖЛИСДА

Мамлакатимиз парламентида Омбудсманнинг ҳудудий вакиллари учун семинар-тренинг ўтказилди. У Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили томонидан ТАСИСнинг «Ўзбекистонда демократлаштириш жараёнини ривожлантиришга кўмаклашиш» лойиҳаси билан биргаликда ташкил этилди.

маннинг ҳудудий вакиллари фаолияти тўғрисида сўзлаб берди. ТАСИС лойиҳаси эксперти, Швеция сийёсий омбу́дсман департаменти бошлиги Тимо Маннинен ўз мамлакатда омбу́дсман фаолияти тажрибаси, ҳорижий мамлакатларда омбу́дсман институтлари ишидаги халқаро тажриба ҳақида ақиборот берди.

Жамоа шартномалари қандай бажарилмоқда?

Вобкент туманидаги Имом Наюмов номи ширкат ҳўжалиги аҳолиси зич жойлашган ҳудудлардан бири. Ҳўжаликда дон-пахта ва бошқа кишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштирилади.

Раёбарият ва касаба уюшма ўртасида тузилган шартнома далада ишлаб-хўжалиқ ҳўжалиқлари 6 ойдан бошлаб таътил бериши, 18 ёшга етмаган ўсимлар ва ёш болалари оналар иш вақтини бир соатга қисқартириш, кўп болали, ёлғиз аёллар фарзандларини имтиёзли оқватлантириш, қарияларнинг меҳнат ва яшаш шартларини яхшилашга қаратилган бандлар киритилган.

МУРУВВАТ

Илгор пудратчилар моддий-маънавий рағбатлантириб борилапти. Масалан галла етиштиришда юқори кўрсаткичларга эришган пудратчиларга дон ва пул мукофотлари берилди.

Бундай ибратли ишлар тумanning бошқа ҳўжаликларидан ҳам амалга ошириляпти. Ҳў атрофига минг нафардан ортиқ аъзоли беришларини «Зарафшон» ширкат ҳўжалигидан 300 нафардан ортиқ кишига 2 миллион 647 минг сўм мукофот пули берилди. Болалар боғчалари, мактаблар, ногиронлар ва «Қизил Ярим Ой» жамятларига 7 миллион сўмдан ортиқ ҳўжалик ёрдами кўрсатилди.

Туман агроносоти тармоғида меҳнат қилаётган 17239 нафар касаба уюшма аъзоларининг 8 минг нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Касаба уюшмаларида Президентимизнинг «Аҳолининг иқтимоий ҳўмогага мўжоз қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кўчайтириш тўғрисида»ги Фармони асосида иқтимоий ҳўмоини яқшилаш, моддий фаровонлик даражасини ошириш, кекса авлод манфаатларини муҳофазалаш, ёшларнинг жиомонли, ақлий ва маънавий жиҳатдан баркамол кишилар бўлиб етишишини таъминлашга қаратилган аниқ дастур ишлаб чиқилган.

Жорий йилнинг ўтган ойларида кам таъминланган оилаларга 1 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Кўп болали оналарнинг маоши сақланган ҳўлда иш вақти бир соатга қисқартирилди. Бундай имтиёзлар тумандаги 300 га яқин фермер ҳўжаликларидан ишлаётган аёлларга нисбатан ҳам татбиқ этилди.

Пенсия ва нафақа олувчилар, ёлғиз қариялар алоҳида эътиборда. «Пактакор», «Нурафшон», М.Жўрабоев номи, Қ.Муртазоев номи, «Хайробо» ширкат ҳўжаликларидан жамоа шартномаларининг бажарилиши қатъий назоратта олинган. «Бандлик» дастурига асосан янгитдан 2000 та иш ўринлари яратилди. Кишлоқ аҳолисига 11 та маданият уйи, 40 дан ортиқ клубхўналар, кўпбал тиббиёт муассасалари хизмат кўрсатапти. Тумандаги «Оналар ва болалар» касалхўнасида қўшни вилоятлардан ҳам беморлар келиб даволаниляпти.

Агрносаноат маҳмуи хўдимлари касаба уюшма туман кўмитаси раиси Р.Тўраевнинг айтишича, аҳолини иқтимоий ҳўмога қилиш масалаларини ҳал этишда касаба уюшмалари, қорхона ва ташкилотлар ажратётган маблағлардан ташқари «Наврўз», «Маҳалла», «Соғлом авлод учун», «Экссан» жамятларини ҳам фаол иштирок этмоқда.

И.ИСОМИДИНОВ

БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗГА, ХАЛҚИМИЗГА ЭҲТИРОМ ТИМСОЛИ

Инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам топилади. Ислон КАРИМОВ

Истиқлол шарофати туйғулари кўпбал буюк аждодларимиз сингари улғушор ва мутафаккир Алишер Навоий ҳазратлари ҳам халқимиз кўз ўнгидан бор буюклиги билан қайта намоён бўлмоқда.

Мамлакатимиз Президенти Ислон Каримов ташаббуси билан мустақиллигимизнинг дастлабки йили озод Ватанимиз солномасида Навоий йили сифатида шарафланди. Пойтахтимиз марказида Навоий номидаги Миллий боғ барпо этилди ва унинг тўрида улғушорига муаззам ҳайкал ўрнатилди.

Орадан ўн йил ўтиб, 2001 йилда Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллиги кенг нишонланди, шоир номи билан аталган шаҳар марказида унинг шарафига яна бир улкан ёдгорлик мажмуи бунёд этилди.

Ўтган ҳафтада эса, илгари хабар берилганидек, Москва шаҳрининг Серпухов майдонидаги кўркам ҳўлибонда буюк бобоқалониимизга улғувор ҳайкал тикланди. Шу муносабат билан бўлиб ўтган тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини ўринбосари Х.Кароматов раҳбарлигидаги мамлакатимиз делегацияси, Москва шаҳри раҳбарияти, ҳар икки мамлакат фан ва маданият намоёндалари, шоир ижодига мухлисларию навоийшўнослари иштирок этди.

Мазкур тарихий воқеа иштирокчиларидан бири - Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, Олий Мажлиснинг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар кўмитаси раиси Эркин ВОҲИДОВ бу ҳақда қуйидагиларни сўзлаб берди: - Москвага илк бор қадам қўйганимга қирқ йилдан ошди. Ҳўшдан бери халқларимиз бир ўй, бир фикр айланар эди: «Қачон буюк аждодларимизнинг ҳайкаллари бу ерга қўйилар экан, қачон биз ҳам Москвага келганда қалбимизнинг бир парчасига айланажак боболар ҳайкали атрофида яйраб юрамиз? Навоий бобомиз ҳайкали Москвада ё Ленинградда қўйишга муносиб эмасми? Ахир, биз бир давлатда яшаётган бўлсак, рус халқининг алломалари қолдирган мерос бизнинг ҳам мулкимиз ҳисобланса, нима учун бизнинг бобоқалонларимиз рус халқининг мулки бўлмаслиги керак экан?»

Гап шундаки, биз у пайтларда мустақил эмасдик. У кезларда Москвада бизга нисбатан «улкан Россия империясининг бир қисми» деган мазмундаги, аниқроқ айтсак, пастрок назар билан қараш ҳўкмон эди. Гарчи тарғибот-ташвиқотда «барча халқлар тенг, тилларимиз, маданиятларимиз баробар, биз бир-биримиздан ўрганишимиз» деб айтилса-да, буюк давлатчилик туйғулари Москвадаги раҳбарларнинг кўксидан ҳаммаш мавжуд бўлган ва уларни бундай туйғулур ҳеч қачон тарқ этмаган.

Агар уларни шу туйғулур бошқармаса, Москва Плана-тарийсидаги Ломоносов, Коперник, Галилей сиймолари турган жойдан Улғубек ҳайкали ҳам ўрин олмасиди?

Агар шундай туйғулур ус-тунлик қилмаса, Ўзбекистонда туғилиб-ўсган, шу ерда яшган, раҳбарлик лавозимларида ишлаганлар ўзбек тилини ўрганишимизда Тўрт оғиз бўлса ҳам ўзбекча гапиришга ҳаракат қилмасидилар?

Авалги асрларда Чор Россияси босиб олган Ўрта Осиёни генерал-губернаторлар қандай идора қилган бўлса, совет замонида ҳам улқамиз ҳудуди шу зайдда идора қилинди.

Шунинг учун Алишер Навоий бобомизнинг ҳайкали Москвада ўрнатилганини мен, биринчи навбатда, мустакиллигимизнинг меваси, деб биламан. Зотан, биз Мустақиллик сабаб дунёда бу қадар қадр топдик. Президентимиз Ислон Каримов раҳбарлигида олиб бориладиган ички ва ташқи сийёсатимиз туйғулур жаҳонда буй кўрсатдик, обрў-эътибор қозондик, муносиб қадрланди. Худди шу боиски, Россия ҳам бизни қадрлади, Москва бизга эътибор қаратди. Президентимизнинг бу борадаги саъй-ҳаракатлари, хўсусан, Москва мэри билан мулоқотларининг натижаси ўларок, ана шу ҳайкал Россия Федерацияси пойтахтида қад ростлади.

Москвада буюк ўзбек шоирига ҳайкал ўрнатиш гоёсини қўллаб-қувватлаган россиялик бир гуруҳ фан ва маданият намоёндалари ташаббусини, умуман, Ўзбекистонда ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларининг бугунги ривожини миннатдорлик ила тилга олиш ўринлидир.

Ҳазрат Навоийнинг «Лисон ут-тайр» («Қуш тили») фалсафий достонидан илҳом ва сурур олган танкили ҳайкалтарошимиз Равшан-



борадаги саъй-ҳаракатлари, хўсусан, Москва мэри билан мулоқотларининг натижаси ўларок, ана шу ҳайкал Россия Федерацияси пойтахтида қад ростлади.

Москвада буюк ўзбек шоирига ҳайкал ўрнатиш гоёсини қўллаб-қувватлаган россиялик бир гуруҳ фан ва маданият намоёндалари ташаббусини, умуман, Ўзбекистонда ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларининг бугунги ривожини миннатдорлик ила тилга олиш ўринлидир.

Ҳазрат Навоийнинг «Лисон ут-тайр» («Қуш тили») фалсафий достонидан илҳом ва сурур олган танкили ҳайкалтарошимиз Равшан-

буюк шоир ҳайкалининг очил-лаш маросимида сўзлаган нутқида. У Президентимизга, халқимизга ва ана шу ҳайкал ижодкорларига миннатдорлик билдирар экан: «Бу - Москвага Ўзбекистоннинг гоёт бебаҳо бир ҳадяси бўлди», деди.

Айтиш жоизки, Президентимизнинг бутун дунёда ўзбекнинг кадр-қиммати ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатлари, миллатимиз қадрини юксалтиришни бош мақсид деб билаётганлари - бу ниҳоятда буюк иш. Ҳўлаб қаранг, ўн йил илгари ўзбек қайси даражада эди, қаерда эди? Бугун жаҳонда юртимизга нисбатан меҳр-муҳаббат, эътибор ортиб бормоқда.

Шундай экан, бир кун келиб ҳазрат Навоий ҳайкали Осиё, Европа мамлакатларида, балки океан ортида ҳам ўрнатилса, ажаб эмас. Наинки, Навоий, балки Ибн Сино, Беруний, Улғубек каби буюк боболаримизнинг ҳайкаллари дунёнинг турли пойтахтларида қад ростлашига энди ишонсак бўлади.

Зеро, бизда шунга асос, замин яратилляпти. Ўзбекларни, Ўзбекистонни дунё таниди. Халқимизнинг жуза қадим маданиятга, қатта тарихга эгалитини, қалби ниҳоятда бой одамлар эканимизни, дунё ҳамжамиятига тенглар ичра тенг бўлиб қўшилаётганимизни бани башар ҳис этиб, кўриб-билиб турибди.

Мухтасар қилиб айтганда, Москвада Алишер Навоийнинг муаззам ҳайкали ўрнатилгани жуза қатта ахамиятга эга. Бу - бизнинг маданиятимизга, халқимиз тарихига, бугунига, умуман, бизнинг ота-боболаримизга дунёнинг эътибор билан қарайганидан далолатдир. Шу боис, бунди тарихий воқеа, мустақиллик йилларида жаҳон саҳнасида қўйган залворли қадимларимиздан бири, гуруримиз тимсоли, деб биламан.

УЗА МУХБИРИ Фулом МИРЗО ёзиб олди.

Дўст билан обод уйинг

КўНГИЛ-КўНГИЛДАН СУВ ИЧАР...

Андижонда турли миллат вакиллари қўлни-қўлга бериб, ҳам-жиҳатликда яшаб келишляпти. Атрофи баланд тоғлар билан ўралган, ям-яшил дарахтзору боғлар ўзгача кўрқ бағишлаган кенг ва кўркам ҳудудда кирғиз миллатига мансуб аҳоли ҳам яшайди.

Мустақиллик йилларида ўзбек ва кирғиз халқлари ўртасида азалий қўшничилик ришталари янада мустаҳкамланди. Баҳодир Алпомиров ва Манас авлодлари бир-бири билан аҳил ва иноқ, қуд-анда.

Улар ота-боболари анъаналарини давом эттириб келишляпти. Жалолқудук туманидаги Абдуллоҳий фуқаролар йиғини ҳудудидан қадим-да қарвон йўли ўтган. Кишлоқда азалдан ўзбеклар билан кирғизлар ёнма-ён яшаб келишган. Фуқаролар йиғини раиси Муборак Саксонбоевнинг ҳикоя қилишича, аҳолининг қўнчилигини кирғизлар ташкил этади. Н.Исанов номи ва «Дўстлик» ширкат ҳўжаликларини ўз тасаруфига олган бешта маҳаллада 3339 оила умрғузарилик қилади. Ўзбек элида яшаётган кирғизлар бой этник маданиятларини, урф-одатларини сақлаб келишляпти.

Пирӣ бадавлат отахон Бекжон Бакиров пайгамбар ёшидан ошган бўлса ҳам, бақувват. Ҳзи кирғиз, турмуш ўртоғи ўзбек. Суяғи меҳнат-

кечалар, уч авлод учрашувлари ўтказиб турилади. Суяноғий Дувоноев, Абдуқаҳҳор Окўбтаев, Ашур ота Парпиев сингари оқсоқоллар ёшларга дўстлик ва қардошлиқнинг аҳамияти, аҳиллик ва иноқликнинг қадр-қиммати ҳақида марок билан сўзлаб бердилар.

Кирғиз тилида фаолият кўрсатаётган 32 та ўрта ва 1 та махсус лицейда таълим-тарбия юқори савияда олиб бориляпти. Дарслик ва қўлланмалар мамлакатимизда нашр этиляпти.

Ҳўжаобод туманининг Элчибек қишлоғида ўтказилган «Дўстлик ва қардошлиқ» байрами, Булоқбоши туманидаги «Ал-мазбек» фермер ҳўжалиги бошичили, кирғиз фарзанди Тўхтамади Турғуновнинг 60 йиллик юбилейида ўнга яқин миллат вакиллари иштирок этганлиги қардошлик ва дўстлигимизнинг ҳақиқий тантанаси бўлди.

Дўстлик бўрондан қучли, кўйшдек ҳароратли. Халқимиз «Кўнғил-кўнғилдан сув ичар», деб бизнига айтмаган. Насриддин Исанов номи ширкат ҳўжалиги хотин-қизлар кенгаши раисаси Рохила Зулунова таъкидлаганидек, ҳар иккала миллат одамлари туй-маърақадан елкадош, илдизлари мустаҳкам. Н.ТИЛЛАЕВ.

Бир хат изидан

Бахтиёр Раҳимов 2000 йилнинг ўрталарида имтиёзли кредит сўраган эди. Банкнинг ўз маблағи ҳисобидан ташкил этилган кредитлар бериб бўлинганлиги учун унга ёрдам кўрсата олмадик. Бошлиқнинг айтишича, Республика деҳқон-фермер сўм кредит ажратилганлиги ушбу соҳани ривожлантиришга етарли эътибор берилмаётганлигини кўрсатиб турибди. Қурилиш, техника сотиб олиш ва қорчаликни ривожлантириш учун эса умуман кредит ажратилмаган.

Давлат акционерлик Ипотек «Заминбанк»и бошлиги Б.Амированинг ёзма маълумотига қараганда, тадбиркор Бахтиёр Раҳимов кредит олиш учун ариза билан мурожаат этмаган. Аслида тадбиркор бу муассасанинг «Каттақўрғон» мини-банки бошлиғи ҳузурда бўлиб, қарз олишга ёрдамлашишни кўп марта сўраган.

Хўллас, тадбиркор Б.Раҳимов мана икки йилдан кўп вақт ўтдики, кредит ололмастан сарсон бўлиб юрди. Банкларга эса «бор отанга, бор онанга» қабилида иш тутишмоқда. ИZZAT ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида кўрсатиб ўтилганидек, кичик бизнес ва хўсусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида ҳали бир қанча ҳал этилмаган муаммолар, жўрачилик, ўзбошимчилик, зўравонлик каби гов-тўсиқлар мавжудки, бундан асло кўз юмиб бўлмайди.

Тахририятга Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани Орзи Маҳмудов номи ширкат ҳудудидаги «Қирғиз» қишлоғида яшовчи, Чернобил фалокати қатнашчиси, иккинчи гуруҳ ногирони Бахтиёр Раҳимов томонидан шикоят хати келган эди. Арзномада қайд этилган далилларни ўрганиб чиқиш мақсадида жойларда бўлиб ҳақиқий аҳвол билан атрофлича танишдик.

Тадбиркор сифатида кредит олиш ниятида 2000 йилда «Савдогарбанк»нинг Пайшанба бўлимига мурожаат қилдим, - деб ёзади хат муаллифи. - Туман ҳокимлигидан гувоҳномамиз бор. Бизнес-режа тўзганмиз. Банкда ҳисоб рақами очилган.

Шу боис, банк хўдимлари ҳўжатларимни ҳисобга олдилар ва навбатга қўйдилар. Ҳўшдан бўён, бугун келинг, эрта келинг, деб бир йил сарсон қилишди. Натижа бўлмаган, ўтган йил август ойида «Заминбанк»нинг Каттақўрғон шаҳридаги шохобчасидан ҳисоб рақамини очдим. Шундан сўнг ишлар юришиб кетар, дея ният қилдим. Аммо кредит сўраб мурожаат қилишим билан яна овароғарчилик бошланди. У қарийб бир йилдан бери давом этиб келмоқда.

ТАДБИРКОР ТОКАЙГАЧА САРСОН?

«Савдогарбанк»нинг виллоят бўлими бошлиғи муовини Асом Умидовни шикоят мазмуну билан таништирдик. У Б.Раҳимов бошқа бир марказий газетга ҳам ёзганлигини айтиб, ҳўжатларни таҳлиман жавоб хатларини излаб кетди. Ахтариб топилмади шеккили, жавоб хати бошқа бир ҳўлир, «Ҳамкор», «Шодмон бобо», «Шоҳруҳ», «Ширин», «Ўқтам бобо» каби фермер ҳўжаликлари, Шарипов, Холов, Эргашев, Мусаев, Бобоева каби тадбиркорларга бирон сўм ҳам қарз берилмаган. «Абдуғани бобо» номи фермер ҳўжалигига бор-йўғи 200 минг сўм, «Баланроғат» фермер ҳўжалигига 250 минг

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллигига

ТОЛЕ ОФТОБИ

Ўзбекистон давлатчилигининг қонуний асосларини яратиш, ҳуқуқий демократик жамиятни барпо этиш, ёш авлоднинг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда Бош Қомус-Конституциясининг аҳамияти беқиёсдир. Шу боис илмий жамоамиз аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларни етарли даражада ахборот билан таъминлаш мақсадида махсус дастур ишлаб чиқди.

Институт қошида педагог кадрларнинг ҳуқуқий билим ва савиясини чуқурлаштириш, дарс самарадорлигини ошириш учун махсус курслар ташкил қилдик. Олий ўқув юртининг профессор ўқитувчилари, адлия, суд, прокуратура, ички ишлар органлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг масъул ходимлари машғулотларга жалб этилди.

Давлат ва ҳуқуқ асослари, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича туркум машғулотлар ташкил қилинди.


Бу борада касабга уюшмалари вилоят Кенгаши, Андижон Давлат университети, адлия бошқармасининг ёрдамидан миннатдоримиз. Фарид Носиров, Бахтиёржон Расулов, Қозимжон Нажмиддиновларнинг мулоқотлари қизгин баҳс-мунозара, савол-жавоблар билан яқунланмоқда. Тингловчилар фуқароларнинг Бош Қомусида белгиланган меҳнат қилиш, дам олиш, иш ҳақи олиш, пенсия таъминоти бўйича имтиёзлардан фойдаланишдаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида атрофлича маълумот олаётди.

Тингловчиларимизнинг ҳуқуқий билим ҳамда малакасини ошириш амалиётда қўлланишини таъминлаш учун институтда ҳуқуқий таълим

маркази ишлаб турибди. Қизиқувчилар бу ерда Ўзбекистонда давлат тузumi ва унинг асослари, Конституциянинг мазмун ва моҳияти, ҳокимиятнинг тақсимланиш принциплари, фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси, жамоа шартномаларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар, ус-

жамоатчилигининг ҳиссаси катта бўлаяпти.

«Конституцияни ўрганиш ўқув маркази»нинг илмий фаолияти диққатга сазовордир. Марказ кўмағида Конституция ва миллий истиқлол ғоялари, тамойилларининг моҳият-мазмунини омаллаштириш, уларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича учрашувлар, савол-жавоб кечалари, ўқув семинарлари ўтказиш одат тусига кириб бормоқда. «Қонунлар: сиз ва сиз ҳақингизда», номли «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» номли ўқув қўлланмалари институт илм аҳлининг ташаббуси билан нашр этилиб, жамоатчиликка тарқатилди. Амир Темурунинг «Темур тузуқлари»да Турон давлатчилиги мавзусидаги илмий-амалий анжуман, «Хотира ва қадр-эзгулик сабоғи», «Конституция ва биз» мавзуларидаги давра гурунглари, зиёлиларнинг ижтимоий ҳимоясига оид кечалар ҳаммининг ёдида қолди.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯСИ

лублий адабиётлар, қўлланмалар билан танишмоқдалар.

Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлигининг ўринбосари Шавкатбек Гуломовнинг институтимиздаги талабалар билан бу галги учрашуви ёшларнинг таълим-тарбияси, жамиятдаги ўрни мавзусига бағишланди. Қизгин савол-жавоблар билан ўтган мулоқотда вояга етмаган ёшлар билан ишларнинг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш, жойлардаги маҳалла фуқаролар йиғини фаолларининг ёшлар билан ишлашдаги масъулияти, огоҳлик, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳақида фикр алмашишди.

Ҳуқуқий билимларни кенг тартиб қилишда ҳам институт илмий

Билим амалиёт билан узвий боғлангандагина куч-қудрат касб этади. Шу боис тингловчиларнинг касб маҳорати, тайёрлиги ва ҳуқуқий саводхонлигини кучайтиришга катта эътибор қаратиляпти. Хусусан, Андижон шаҳридаги 2-гимназия, ўлкашунослик музейи, фуқаролик суди биноларида амалий машғулотлар ўтказдик. Шунинг учун ҳам 3 йилдирки ўқувчиларимиз тарих-ҳуқуқ, иқтисод фанидан республикада ўтказилган фан олимпиадаларида фахрли ўринни қўлдан бермай келаятирлар.

Хорижий мамлакатларда қўлланилаётган меҳнаткашларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган жаҳон тажрибалар бу ерда ҳам синиб кўриляпти.

Қодиржон ЗУЛУНОВ,
Андижон вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ўқитувчиси.

Бир корхона ибрати МЕТАЛЛУРГАР

Бекобод металлургия комбинати цехларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг юқори сифат кафолатига эгалиги қурувчилар томонидан эътироф этилмоқда. Маълумки, жаҳон андозалари даражасидаги маҳсулот ишлаб чиқариш фақат замонавий техника ва ускуналарга эмас, балки юқори билим, малакага эга тажрибали мутахассисларга ҳам боғлиқ. Шу боисдан комбинат маъмурияти ва касабга уюшма кўмитаси етук ва малакали мутахассислар тайёрлашга алоҳида аҳамият қаратмоқда. Жумладан, Тошкент Техника университети билан тузилган шартнома асосида бекободлик ёшлар ҳар йили талабаликка қабул қилинмоқда. Уларнинг малакали мутахассис бўлиб етишишлари учун маъмурият томонидан маблағ ажратилмоқда.

Жорий йилда университетга шундай ёшлардан 23 нафари қабул қилинди. 22 нафар олий маълумотли металлург иш билан таъминланди. Бундан ташқари, Москвадаги олий ўқув юрти ўқитувчилари Бекободга келиб, ёшлардан кириш имтиҳонларини оладилар. Бу йил ҳам 8 нафар талаба Москвадаги институтга қабул қилинди.

Шу нарса эътиборга лойиқки, ўқини тугаллаб келган ёшлар аввало ўз соҳалари бўйича оддий ишчи бўлиб фаолият бошлайдилар. Сўнгра лаёқатига қараб, турли лавозимларга тайинландилар.

Муҳими, кадрлар малакасини ошириш, уларга қўшимча касб ўргатиш доимий равишда олиб бориладиган ишлардан саналади. Раҳбарлар ва мутахассислар билан ҳуқуқий, иқтисодий масалалар бўйича алоҳида машғулотлар ўтказилмоқда. Айтиш мумкинки, етук мутахассислар корхонанинг бойлиги ҳисобланади.

Темур ҲАЙДАРОВ.

БЎРСИЛДОҚ НОНЛАР

Бўқа тумани матул-ботсавдо ҳиссадорлик жамиятига қарашли нон корхонасида бугунги кунда барча талабларга мос келадиган 20 хилдан ортиқ нон ва нон маҳсулотлари тайёрланмоқда. Шу кунларда ишлаб чиқариш жараёнида бир маромда давом эттириляпти. Корхона замонавий ускуналар билан жиҳозлангани туйғайли маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайди, сифати яхшиланди. Яқунланган ўн бир ойда буюртмачиларга етказиб

берилган жами маҳсулот 221 миллион сўмликдан ортиқ бўлди. Олинган соф фойда эса 1 миллион 700 минг сўмга етказилди. Моддий ман-нон ва нон маҳсулотлари ташкилнинг ўрнатилиши корхона учун ҳам бир маромда давом учун ҳам фойдали бўлаяпти. Умуми ва сифатли ишлаган ҳар бир ишчи салмоқли маош олмақда. Демак, ҳалол меҳнат қилган киши унинг ҳузурини ҳам, албатта, кўра-

«Халқ банки»нинг Чиноз тумани бўлимида ва унинг жойлардаги 12 та шохобчалари томонидан аҳоли ҳамда юридик ташкилотларга намунали банк хизматлари кўрсатиш билан бир қаторда, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қатор фармон ва қарорларнинг бажарилиши юзасидан ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.


МИЖОЗГА ҲАМКОР БЎЛИБ

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги ҳамда «Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларнинг ижросини таъминлаш юзасидан кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам пуллари, кўп болали оилаларга «Болалар» нафақалари ва қарамонда 2 ёшгача болали оилаларга белгиланган нафақаларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тарқатилиши учун барча чоралар кўрилмоқда. Бўлим томонидан ҳар ойда 44 миллион сўм миқдорда ана шундай нафақа пуллари тарқатилади. Эътиборли томони шундаки, бугунги кунда банк компьютер техникаси ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминланган бўлиб, тижорат банклари тизимида иш олиб боришмоқда. Шу боисдан бўлим томонидан хусусий тадбиркорларга, кичик ва ўрта бизнес субъектларига кредит ажратишни янада кўпайтириш, омончилар манфаатини ошириш, банклар билан икки ўртадаги алоқаларни мустақамлаш борасида ҳам бир қатор ишлар режалаштирилди.

Тунги рейдга Самарқанд туман давлат солиқ инспекцияси ходимларидан тўрт киши ажратилди. Вазифа аниқ: яширин цехда тайёрланган пахта ёғини қўшни туманга олиб ўтаётган автомашинани далилий ашё билан қўлга олиш лозим.

Тезкор ходимлар томонидан Ражабамин қишлоғида яшовчи фуқаро А. Саъдуллаев хонадонидан чиққан «Жук» русумли давлат белгиси 14В 34-48 рақамли автомашина Самарқанд-Ургут йўлида кўп юрмай тўхтатилди. Тойлоқ туман Жумабозор қишлоғида яшовчи Камолдиннинг Бадриев бошқарувидаги автомашина юкхонаси текширувдан ўтказилганда, учта 200 литрли бочка ва 6 та бидон тўла пахта ёғи борлиги аниқланди. Дастлабки суриштирув жараёнида Камолдиннинг ёнидаги ҳамқишлоғи Муродилло Бозоров 800 литр ёғни Ражабамин қишлоғида истиқомат қилувчи Асли Саъдуллаевдан сотиш учун олиб кетаётганлиги тасдиқланди.

Тезкор ходимлар ушбу маълумот асосида А.Саъдуллаев хонадонини кўздан кечиришганда, кўпдан бери яширин ёғ цехи фаолият кўрсатиб келаятганлиги аниқланди. Цехдан сотувга тахт қилиб қўйилган яна 170 литр пахта ёғи, 7730 килограмм чигит, 708 килограмм кунжара, мой-фувоз далилий ашё сифатида олинди ва ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши кўзгатилади. Афсуски, ноқонуний ёғ цехлари фаолияти бошқа вилоятларда ҳам кузатилмоқда. Яқинда Сирдарё вилояти Мирзаобод туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари «Чигит» операцияси пайтида «Пайт» хусусий корхонасининг Буюстон қишлоғидаги омборхонасида жойлашган яширин ёғ цехини



Фаргона вилояти Қува туманидаги «Ал-Азиз» қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш хусусий корхонаси бир неча йиллардан бери фаолият кўрсатиб келмоқда. Хозирда 75 та иш ўринлари ташкил этилган бўлиб, 50 нафар аёллар меҳнат қилади. Аини пайтда бу ерда етти хилдан зиёд қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришмоқда.

Суратларда: корхона фаолиятдан лавҳалар. И.ҲАСАНОВ ва И.ҲАСАНОВ суратлар.



Тошкент вилоят касабга уюшмалари Кенгашида меҳнатни муҳофаза қилиш ва ишчи хизматчиларга қулай иш шaroити яратиш бора-сида муайян тадбирлар амалга оширилмоқда. Раёсат мажлисларида ишлаб чиқариш бирлашмалари, корхона, ташкилот ҳамда мутасаддиларга Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунининг бажарилиши, ишлаб чиқаришдаги тан жароҳатланишларининг олдини олиш бўйича амалга ошириляётган ишлар таҳлил этиб борилмоқда.

Хусусан, ўтган мажлисларда «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмаси «Тошвилсувоқава» бош бошқармаси ҳамда «Ўздон-маҳсулот» Давлат корпорациясининг вилоят корхоналарида бу борада олиб бориляётган ишлар атрофлича муҳокама этилди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида эса Кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касабга уюшма вилоят кўмитаси тасарруфидаги корхона ҳамда ташкилотларда ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишларнинг олдини олиш бўйича амалга ошириляётган тадбирлар муҳокама этилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Меҳнат муҳофазаси бўйича амалга ошириляётган ишлар мутасаддилар таҳлил этилиб бориляётганлиги туйғайли ишлаб чиқаришда кўнгилсизликлар оз бўлсада, камайиб бормоқда. Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, ўтган йилнинг шу даврида ишлаб чиқаришда жароҳатланганлар сони 31 тага етган бўлса, жорий йилда бу рақам 27

Меҳнат муҳофазаси
алоҳида таъкидлаб ўтишни истардик. Ҳар бир корхона ҳамда ташкилот ишчи ўринлари аттестациядан ўтказилаётганда зарарли меҳнат шароитида ишловчилар алоҳида рўйхатга олинади. Маъмурият ҳамда ка-

ТИЙИНИ ТЕЖАБ, МИЛЛИОННИ БОЙ БЕРМАЙЛИК

тани ташкил этди. Бахтсиз ҳодисалар асосан энергетика ва кимё соноатида, агросаноат мажмуи тармоқларида содир бўлмоқда.

Кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олишда жамоатчилик назоратини ташкил этиш яхши самара бермоқда. Мазкур тадбирни янада тўлақонли ўтиши учун кўрик-танловлар ташкил этиляпти. Бу эса меҳнатни назорат қилиш комиссиялари ҳамда вакиллар ишнинг яхшиланишида муҳим омил бўлмоқда. Жумладан, вилоят бўйича кўрик-танловнинг ўтган йилги иш якунлари жорий йил ҳайъати йиғилишида муҳокама этилиб, энг яхши 5 нафар меҳнат муҳофазаси бўйича вакил гулоб деб топилди. Бошланғич касабга уюшмалари қошида фаолият кўрсатаётган меҳнатни муҳофаза этиш комиссиялари ҳамда вакилларнинг фаоллашуви учун вилоят Кенгаши томонидан амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Шу ўринда бир нарсани

хассиси Эркин Усмонов. — Янгийўлдаги «Лаззат» қандолат ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти, «Оҳангаронцемент», «Бекободцемент» очик турдаги ҳиссадорлик жамиятларида, шунингдек, Зангиота туманидаги «Зангиота» ширкат хўжалиқларида бу иш яхши йўлга қўйилган. Лекин Олмалиқдаги «Монтажкимёхимия» корхонаси, Янгийўл туманидаги марказий поликлиникада бунинг тамоман аксини кўриш мумкин.

Тўғри, баъзи раҳбарлар бу муҳим иш учун маблағни аяшади. Айрим корхоналарда эса маблағ бўла туриб, бу тадбирга етарлича эътибор қаратишмайди. Охир оқибатда айрим ишчилар касб касаллигига чалинишгач, тўланадиган тоvon пули бундан бир неча баровар ортиб кетишини яхшилаб ўйлаб кўришса бўларди.

— Вилоятимиздаги кўпгина корхона раҳ-

Неъмат РАФИКОВ,
«Ишонч» мухбири.

«Ишонч» фош этади

фош этдилар. Маълум бўлишича, Гулистон шаҳрида истиқомат қилувчи сохта тадбиркор Убайдулло Йўлдошев хусусий корхона раҳбарларининг кўнгилсиз овлаб омборхонанинг бир қисмини ижарага

амалдаги қонун-қоидаларга қатъий риоя этиш назорат остига олинмоқда.

Тошкент вилояти солиқ хизмати ходимлари юк машинаси юкхонасида Мухаббатга тегишли ҳужжатсиз товарлар борлиги аниқланиб, тегишли далолатнома тузилди ва суриштирув ҳаракатлари бошланди.

Худди шундай ҳолат Пискент туманида ҳам содир бўлди. Вазирлар Маҳкамасининг 154-қарори ижросини таъминлаш юзасидан солиқ хизмати ва ҳуқуқни муҳофаза этиш идоралар ходимлари ҳамкорликда ўтказилган рейдларнинг бирида Хоразм вилояти томон йўл олган давлат белгиси 17 АЕ 802 бўлган КамАЗ автомашинаси тегишли 19,2 миллион сўмлик ноозиқ овқат маҳсулотларининг на ҳужжати, на сифат сертификатли бор эди.

Ж.НОСИРОВ,
Давлат солиқ кўмитаси Матбуот хизмати бош мутахассиси.

ЯШИРИН ЦЕХДАГИ ПАХТА ЁҒЛАРИ

олган. Санитария-эпидемиология назорат маркази мутахассислари ёғ таркибини текшириб, истеъмолга муносиб яроқсиз эканлигини тасдиқладилар. Яқинда Сирдарё туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари «Ҳақиқат» ширкат хўжалиги Махтумқули кўчаси 106-уйда истиқомат қилувчи Санталат Санарова томонидан яширинча тайёрлаб сотилаётган спиртли ичимликларни қўлга туширдилар. Хонадон кўздан кетирилганда, бу ерда каттагина қўлбола арок цехи ишлаб турганлиги маълум бўлди. Цехдан

125 литр спирт, 7000 тадан кўпроқ ишлатилмаган шиша қоқоқлари, 580 дона бўш шиша, 2000 тадан кўпроқ турли хил ёрликлар, спиртли ичимликлар тайёрлашда фойдаланиладиган воситалар далилий ашё сифатида олинди. Сирдарё вилояти солиқ хизмати ходимлари хўшёрликини ошириб йил бошидан бери 17 та яширин цехни фош этдилар. Ҳар бир текширув натижаси кенг оммага етказилди. Фуқаролар қонуний меҳнат қилишга даъват этилди. Шунга қарамай, амалдаги қонун-қоидаларга зид хатти-ҳаракатларга йўл қўяётган шахсларнинг ҳамон мавжудлиги кишини афсуслантиради. Қонун устуворлиги таъминланаётган жамиятимизда ҳар қандай ҳуқуқбузарликлар эътибордан четда қолмаяпти. Барча ҳудудларда

«Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий муҳофазалаш тўғрисида»ги Қонун ногиронларга нисбатан Давлат сийёсатини белгилаб берди. Уларнинг ҳақ-хуқуқлари, уларга

ўтказилди. Ногиронларни тиббий реабилитацияси масаласига жиддий эътибор қаратилаётди. Шифохоналаримиз замонавий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъ-

Бугун — Халқаро ногиронлар куни

ОЧИК МАРАФОН

Навоий шаҳар ногиронлар жамияти ногиронларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш баробарида уларни соғломлаштириш, оммавий спорт турларига жалб этиш борасида ҳам муайян ишларни амалга оширмоқда. Мунтазам эътибор туфайли ногиронлар орасида спортнинг турли соҳаларида нафақат республикамизда, балки дунёда ном қозонган спортчилар сони ортиб бормоқда. Армрестлинг бўйича жаҳон чемпиони Мирзохид Шаропов, Марс Нажмуддинов, Европа ва Осиё чемпиони Елена Шафронева, Игор Шишков шулар жумласидан.

Халқаро ногиронлар куни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллиги муносабати билан ўтказилган ўзига хос очик марафонда навоийликлардан ташқари республикамизнинг бир қанча вилоятларидан ҳам ногирон-спортчилар иштирок этди. Югуриш бўйича, ногиронлар аравачаси ҳамда велосипед пойғасида 250 нафардан ортиқ спортчи куч синашди.

Мусобақаларда ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрган навоийликларнинг қўли банд келди. Ногиронлар аравачасида Қаҳҳор Омонов, югуриш бўйича Расул Солиев, велосипед пойғасида эса Бахтиёр Облаев биринчи ўринни эгаллади.

(Ўза)

МАТОНАТЛИ КИШИЛАР

нисбатан давлат органлари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг мажбуриятлари белгилаб қўйилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти хабарига кўра, ер юзидagi инсонларнинг 10 фоизи ногиронлардир. Шу боис БМТ ушбу масалага доимо катта аҳамият бериб келди. 1981 йил Жаҳон миқёсида Ногиронлар куни эълон қилинди. 1983-1992 йиллар Халқаро миқёсида ногиронлар 10 йиллиги, нишонлиб «Умумжаҳон Ҳаракатлар дастури» ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этиш бошланди. БМТ томонидан «Ногиронларга тенг ҳуқуқли шароит яратишнинг Стандарт қоидалари» қабул қилинди.

1992 йилнинг 3 декабрида Осиё ва Тинч Океан ҳудудида яшовчи ногиронларга бағишлаб ҳаракат Дастури тузилган ва унга 1996 йили Ўзбекистон ҳам қўшилганди. Ҳукуматимиз саъй-ҳаракати билан уларнинг таълим олишлари асосларини белгиловчи Низом ва ўқув Дастурлари ишлаб чиқилди. Ногирон фарзандларимиз учун эксклюзив таълимга бағишланган анжуманлар

минланмоқда. Янгича даволаш усуллари, дори-дармонлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Миллий реабилитация марказлари ташкил этилди. Маданият, санъат ва адабиёт соҳасида иқтидорли ногиронларни аниқлаш, уларнинг турли танловларини ўтказиш аъёнага айланди. Ногиронларни касбга бўлган иштиёқини уйғотиш, иш билан таъминлаш масалалари босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Уларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашувчи Республика Мувофиқлаштириш қўмитасини ташкил этиш ишлари бошланди.

Ажаб эмаски, бу эзгу ниятлар самараси ўлароқ, жойларда корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ногиронлар эҳтиёжига мослаштириш ҳамда улар учун махсус иш ўринлари яратишни ўз ичига олган кенг қамровли Дастурлар яратилса ва жорий этилса, Республикада яшаётган ногиронларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш бугунги кундаги энг долзарб масалалардан биридир.

Ортиқ САИДОВ,
Ўзбекистон Ногиронлар жамияти матбуот котиби.

ЯХШИЛАР БОР БЎЛСИН!

Бугунги кунда Касби туманида 2700 нафар ногирон бўлиб, уларга зарур шарт-шароитлар яратилган. Хўжаликлар, касба уюшмалари, фермерлар уюшмаси, Касби пахта тозалаш заводи, Машина трактор парки, «Нуроний» жамғармаси туман бўлими сингари ташкилот ва муассаса вакиллари ўзларининг беминнат кўмакларини берётди.

Ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи Чўли Хўжақуловнинг таъкидлашича, тумандаги 12302 нафар пенсионер ва ногиронга хизмат кўрсатилади. Шундан, болалиқдан ногиронлар 482 нафарни ташкил этади. Туманда жорий йилнинг шу кунигача ногиронларга 12 та аравача ажратилди. Шу мақсад учун туман ҳокимлиги, хўжалик хисобидаги автотранспорт бирлашмаси, Саидо Насафий номли хўжалик маблаг ажратишиди.

... Усмон ака Хурсанов бир неча йил Алишер Навоий номли хўжалиқда механизатор бўлиб ишлади. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ хасталикка чалинган ўн йилдирки дард билан олишади. Туман ижти-

мой таъминот бўлими, Ногиронлар жамияти туман бошқаруви вакилла-



ри яқинда Усмон Хурсанов хонадониди бўлиб, ногиронлик аравачасини топширишди.

Афғон урушининг 1 нафар, Чернобл ҳалокатининг 4 нафар, иккинчи жаҳон урушининг 87 нафар, 482 нафар ўн олти

ёшгача болалиқдан ногиронлар ҳам бўлимнинг эътиборида. Туман ҳокимлигининг қарорига асосан 56 нафар иккинчи жаҳон урушининг биринчи гуруҳ ногиронлари коммунал хизмат тўловларидан 100 фоиз озод қилинганликлари ҳам уларга кўрсатилаёт-

Бу эса ижтимоий соҳа вакилларининг ногиронларга беминнат хизмат кўрсатишлари учун катта имкониятлар яратмоқда.

Қарияларни қадрлаш йили давлат Дастури асосида 100 фоиз пенсионерлар диспансер кўригидан ўтказилиб, уларнинг яримидан кўпи шифохоналарда ва сихатгоҳларда соғломлаштирилди. Бундан ташқари 420 нафар ногиронга 4 миллион сўмлик дори-дармонлар имтиёзли равишда берилди.

Туман ижтимоий таъминот бўлими Халқаро ногиронлар куни арафасида 120 нафар кишини «Наврўз» чойхонасига таклиф этди. Бир пиёла чой устидида суҳбат уюштирилди. Санъаткорлар ижросида концерт дастурлари намойиш этилиб, уларга ногиронлар аравачалари, қўлтиқ таёқлар, ҳасса ва моддий кўмак берилди.

Шавкат СУЛТОН,
«Ишонч» муҳбири.

Жиззах шаҳрининг «Сайлжойи» маҳалласида атрофи дов-дарахт ва гулзорга бурканган бир маскан бор. Ховлиси ҳаммиша чиннидек тоза, киши димоғига доимо гулларнинг хушбўй атри фуғуриб турадиган тўрт қаватли салобатли бу бинога вилоят ногиронларни тиббий-ижтимоий ва касб бўйича соғломлаштириш минтақавий маркази жойлашган.

Марказ ўзининг тўрт йиллик фаолиятида анча ибратли ишларни амалга оширди. Ҳукумат қарорига мувофиқ туманлардаги 6 та тиббий меҳнат-экспертиза комиссияси билан ҳамкорликда ногиронларни яқка тартибда реабилитациялашдан ташқари, уларни касбга йўналти-

риш, ишлаб чиқаришга кўникма ҳосил қилиш, ижтимоий муҳитга нисбатан муносабатини ўзгартиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида 418 нафар ногирон билан яқка тартибда реабилитациялаш дастури тузилиб, 181 ногирон тиббий-касбий-

ОЛҚИШ ОПАЁТГАН ОҚ ХАЛАТЛИЛАР
Жиззах ногиронларни реабилитациялаш марказида

ижтимоий реабилитациядан ўтди.

Марказда тестлаш услуби билан ногироннинг меҳнат қобилияти аниқланади ва организм функционал ҳолатига қараб бажара олиши мумкин бўлган касб бўйича тушунтириш ва маслаҳатлар берилади.

Ҳар бир ногироннинг жамиятдаги роли аниқланиб, оила ва ишдаги

аҳволи ўрганилмоқда, улардаги потологик жараён бўйича зарур коррекция чора-тадбирлари қўлланиб, ўз-ўзига хизмат қилишга ўргатилмоқда.

Олий тоифали руҳшунос-врач Ойсара Мамадова ҳар бир ногирон билан яқкама-яқка суҳбат ўтказиб, зарур муолажалар ўтказётган бўлса, ҳуқуқшунос Қосим

Жойноқов ҳуқуқий мавзуларда суҳбатлар ўтказиб бораёпти.

Вилоятда протез ва ортопедия маҳсулотларига эҳтиёжманд ногиронлар 662 нафарни ташкил этади. Ҳозирги кунда республика ортопедия реабилитацияси илмий ишлаб чиқариш корхонаси Жиззах филиали иш бошлаган. Мазкур корхона моддий-техника

базаси ҳомийлар ҳисобидан ривожланиб бормоқда. Бу ерда ногиронларга турли хил протез маҳсулотлари ясаб бериш билан бирга, ундан фойдаланиш, протез гигиенаси бўйича тушунчалар бериб борилади. Ўтган даврда ортопедик маҳсулотлари билан 58 нафар ногирон таъминланди.

Ногиронларни тиббий

реабилитация қилишда дори-дармон муолажаларидан ташқари игло-рефлексотерапия, ману-альтерапия, гипнозтерапия, руҳий соғломлаштириш сеанслари ўтказилмоқда. Йилнинг ўтган даврида 259 нафар ногиронда бу борада самарадорликка эришилди. Бунда жамоада фаолият кўрсатаётган 7 нафар ҳақим, 18 нафар ҳамшира хизмати катта бўлди. Парҳез таомларни доимо ширин ва мазаги қилиб тайёрлаётган Марина Маллабоева бошлиқ ошпазлар жамоаси меҳнатидан ҳам

кўпчилик мамнун.

Марказнинг касбий реабилитация бўлимида этикдўзлик, тиқиш-бичиш, телевизор созлаш устаси, компьютер оператори сингари касблар ўргатилмоқда. Жиззах шаҳар меҳнат бўлими билан тузилган шартномага кўра «уста-шогирд» усулида ўтган қисқа даврда 14 нафар киши уч ойлик ўқув курсини битириб, доимий иш билан таъминланди.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ишонч» муҳбири.

АКЦИЯ ДОРЛИК ТИЖОРАТ «ПАХТАБАНК»

Фидокор халқимизни Бош Қомус
– Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг
10 йиллиги байрами билан самимий муборакбод этади

Файзли хонадонингиздан ҳамжиҳатлик, қут-барака аримасин. Муборак юртимизни гуллаб-яшнатиш йўлидаги ишларингиз ҳаммиша бароридан келсин!

«ПАХТАБАНК» – ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

